



Иброҳим НИҒМАТУЛЛАЕВ,
Ўзбекистон халқаро ислом академияси талабаси

СОФ ИСЛОМ ҲИМОЯЧИСИ

Имом Абу Мансур ал-Мотуридий Ислом оламида турли ўзгаришлар авж олиб турган, хусусан, ҳар хил ақидавий фирқалар, тоифалар кўпайиб, ўзаро тортишувлар авж олган даврда яшаб, ижод қилди. У киши ўз замонасининг Аҳли сунна ва жамоа эътиқодидаги забардаст ҳанафий уламоларидан илм олди.

У калом масалалари билан қизиқиб, ҳанафий мазҳаби олимларидан дарс олиб, ўз билимини оширади. Шу вақт давомида кўплаб машҳур фақиҳлар ва муҳаддислар билан мулоқотда бўлган ва мунозаралар қилган. Бутун умри давомида шу соҳага оид асарлар ёзиб қолдирган¹.

Абу Мансур ал-Мотуридий ҳақидаги тўлиқ маълумотлар насафлик аллома, унинг издоши Абул Муъин ан-Насафийнинг илмий меросида кўриб чиқилган. Насафий ўзининг шайхи Мотуридий ва ундан олдин Мовароуннаҳрда яшаб ижод қилган ҳанафий алломалар ҳақида “Табсират ал-адилла ала тариқати Абу Мансур ал-Мотуридий” номли асарида маълумотлар келтирган. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, Насафийнинг “Табсира” асарида мовароуннаҳрлик мутакаллим олимларнинг ҳаёти ва илмий фаолияти ҳақида келтирилган қимматли маълумотлар ҳеч бир энциклопедик ёки ақоид илмига оид асарларда учрамайди.

¹ Маънавият юлдузлари // Тўпловчи ва масъул муҳаррир: М. Хайруллаев / . – Тўлдирилган ва қайта нашр. – Т.: А. Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 2001

Насафий ўз асарида таъкидлашича, Абу Мансур ал-Мотуридийнинг “Таъвилот ал-Қуръон ал-Карим” номли асари ўз даврида машҳур ҳисобланган ва кўплаб олимлар ушбу асарни қуйидагича тавсиф билан юксак баҳолаганлар: “Мотуридий имомларнинг улуғи ва миллатнинг устунни эди. Унинг Қуръонга ёзган тафсири барча чигалликларни очиб берувчи, инсон қалбидаги шубҳали қора булутларни ҳайдовчи ҳамда ниҳоятда балиғ васф ила яратилган асардир. Аллоҳ шундай китобни ёзган зотга ўз саломини йўлласин”².

Насафий “Табсира”да Абу Мансур ал-Мотуридийнинг ўндан ортиқ асарлари ҳақида маълумотлар келтиради. “Китоб ат-тавҳид”, “Китоб ал-мақолат”, “Китоб радд авоил ал-адилла лил-Қаъбий”, “Китоб баён ваҳм ал-муътазила”, “Китоб радд таҳзиби ал-жадал лил-Қаъбий”, “Радд китоб ал-Қаъбий фи ваъийд ал-фуссоқ”, “Радд усул ал-хамса ли Абу Умар ал-Баҳилий”, “Радд китоб ал-имом ли баъзи ар-равофиз”, “Китоб радд ала ал-қаромита” каби асарлар шулар жумласидандир³.

Абу Мансур ал-Мотуридий умри давомида фақиҳлар, муҳаддислар билан мулоқотда

² Калом илми (Ақоид): (ўқув қўлланма) // С.Оқилов; масъул муҳаррир: Д. Раҳимжонов; Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Тошкент ислом университети, Исломшунослик кафедраси. – Т.: Тошкент ислом университети нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2011

³ Ўша манба, 25-б.

бўлган ва мунозаралар олиб борган. У ислом динининг ханафия мазҳабини Мовароуннахрда тарқатиш ва ўзидан кейинги авлодларга етказишга муносиб ҳисса қўшди.

Абу Мансур ал-Мотуридий кўплаб шоғирдлар етиштирди, улар орасида ислом оламига машҳур — Абул-Ҳасан ар-Рустуғфаний (вафоти 961), Исҳоқ ибн Муҳаммад ас-Самарқандий ва Абдул-Карим ал-Паздавий (вафоти 999), Абу Аҳмад ал-Иёдий каби олимлар бор эди. Шоғирдлари ўз устозларининг таълимоти давом эттирганлиги туфайли ханафия мазҳабидагилар ичида мотуридия оқими вужудга келган⁴.

Мотуридия таълимотига кўра, имон тил билан икром қилиш ва дил билан тасдиқ этишдир, амал эса имоннинг таркибига киритилмайди⁵.

Мотуридия таълимоти Қуръон, ҳадис ва ақл-идрок, мантиқ ва ҳақиқатга якин экани билан бошқа таълимотлардан ажралиб туради. Бу таълимот мўътазилийлар каби фақат ақлга суяниш эмас, балки нақлдан ҳам қўшиб фойдаланишни зарур деб билади. Таълимотнинг ақида борасида қўшган яна бир ҳиссаси шуки, ўша даврда жуда кўплаб фирқалар эътиқод борасида ўз фикрлари билан мусулмон аҳлини турли йўлларга бошлаганлар. Абу Мансур ал-Мотуридий шунга чек қўяди ва бу ўлкада ягона ақида тизими (яъни ханафия мазҳаби асосида)ни ўрнатади. У барча ақидалар орасидаги баҳсли мавзуларни ҳар бир фирқага далиллар асосида исботлаб беради. Натижада турли хилдаги майда оқимлар кўпайишининг олди олинади.

Абу Мансур ал-Мотуридий ўз таълимоти билан боғлиқ аксарият фикрларини “Китоб ат-тавҳид” асарида баён этган. Хусусан, ўзга тоифадаги фирқаларга қарши шундай сўзларни айтади: “Улар тафаккур ва тадқиқ билан қарасалар эди, Аллоҳ таоло ҳам бандаларини тафаккур ва тадқиқот, ибрат ва тажриба билан иш қилишга буюрганини тушунар эдилар, ибрат ва тафаккур эса илм манбаларидан бирдир”⁶.

⁴ Маънавият юлдузлари // Тўпловчи ва масъул муҳаррир: М. Хайруллаев /. — Тўлдирилган ва қайта нашр. -Т.: А. Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 2001

⁵ Маърифат зиёси // Таҳрир хайъати: А. Мансур, И. Усмонов. - Т.: Тошкент ислом университети нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2015

⁶ www.huquqburch.uz

Абу Мансур ал-Мотуридий нафақат мутакаллим, ақидашунос олим, балки муфасссир ҳам бўлган. Бунга у кишининг “Таъвилот аҳлиссунна” (Аҳли сунна таъвиллари) номли китоби ёрқин далилдир. Асар калом илмига бағишланганлиги сабабли унда ақидага оид оятларни шарҳлашга кенг ўрин берилган. Муаллиф тафсирда ўз замонасидаги мўътазила, хавориж, қарромия, жабария каби оқимларни зикр этиб, уларнинг Қуръон оятларига берган талқинларини, шунингдек, мушаббиха, мунажжима, фолбинлар ва бошқалар фикрини чуқур таҳлил қилган ва уларга асосли раддиялар берган.

Абу Мансур ал-Мотуридий ҳар бир инсоннинг тақдири Аллоҳ томонидан белгилаб қўйилганига қарамай, у ўз хатти-ҳаракатлари учун масъулдир, деб ҳисоблайди. Унга кўра, инсон ҳаётий имтиҳонлар учун яратилган. Шу билан бир вақтда унга ушбу синовлардан муваффақиятли ўтиш ва тўғри йўлни топиш учун кенг имкониятлар ҳам бериб қўйилган.

Абу Мансур ал-Мотуридий ўз таълимоти ва илмий асарлари билан Мовароуннахр мактабининг ривожланишига катта ҳисса қўшди. Буюк аллома ўз қарашлари билан ханафийлик таълимотининг Ўрта Осиё халқлари анъаналарию урф-одатлари билан чамбарчас боғлиқлигини кўрсатиб берди. Буюк ватандошимиз яратган таълимот ислом динининг буюк ақидавий мактабларидан бири сифатида кенг кўламда тан олинди. Суннийликнинг ханафийлик мазҳабига эътиқод қилувчиларнинг барчаси ақида бобида Абу Мансур ал-Мотуридий ва унинг шоғирдлари ҳамда издошлари ёзиб қолдирган қимматли асарларга таяниб иш қўрадилар. Энг эътиборлиси ислом оламининг аксарият минтақаларида, Сурия, Ироқ, Туркия, Покистон, Ҳиндистон, Шимолий Африкада мотуридийлик таълимоти ҳозир ҳам ўрта ва олий диний ўқув юртларида мустақил фан сифатида ўқитиб келинади⁷.

Хулоса қилиб айтганда, Абу Мансур ал-Мотуридий ўзининг далилларга таянган, дунёқарашию соғлом тафаккури билан турли фирқаларга қарши кескин кураш олиб бориб, тўғри, соф исломий ақидани сақлаб қолишга бекиёс ҳисса қўшган буюк мутакаллимдир.

⁷ www.buxoriy.uz